

**ЛОЙИХА -СМЕТА, (ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ
ШАРТНОМАСИ № 11376**

Фарғона шаҳри

2022 йил “25” март

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “FARPI NITECH ENGINEER” УК номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ш.А.Умаров иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги қонуни, Курилиш меъёрлари ва коидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Фарғона вилояти Учкўпик тумани “Истиқбол” МФЙдаги 41-сонли мактаб (янги қурилиш 220 ўқ.ўрин, мукаммал таъмирилаш 220 ўқ.ўрин) реконструкция қилиш учун техник кўрик холоса хужжатларини тайёрлаш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблаг ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома бўйича ишлар қиймати

- 2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. « 18 » март кунги харид комиссиясининг баёнига асосан жорий нархларда 2 600 000 (икки миллион олти юз минг) сўмни, шу жумладан қўшимча қиймат солиги 15% - 339 130 сўмни ташкил этади.
- 2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан 10 куни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “ 29 ” мартда буюртмачига тўлиқ топширилади.
- 2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш:
 - ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- 2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

- 3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва-барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган КМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;
- 3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъкиланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

- 4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
 - мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

- 5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % микдорида авансни ўтказади.
- 5.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, кабул килингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб ракамига маблаг ажратилгандан сунг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6.Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош мухандисни тайинлади.Бош мухандис лойиха-смета хужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофик ишлаб чиқилишини назорат килади, бажариладиган ишлар боскичларини келишади ва бажарилаётган ишлар хакида Буюртмачига ахборот тақдим килиб боради. Пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган муддатда, курилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли килиб бажаради.

7.Ишларни топшириш ва қабул килиш

7.1. Пудратчи томонидан тайёрланган лойиха-смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган хulosасига кўра, тўпланган хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер хужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараккиёт ва камбағаликни кискартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза килиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий хulosаси олингандан сўнг, Пудратчи 3 кун мобайнida лойиханинг ишчи хужжатларини 3 нусхада, смета хужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо кўйиб, қабул килиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-З счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим килади.Лойиханинг ишчи хужжатлари юкоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четта чиқшлар ёки бошка камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб килади.Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф килади.

8.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.Кафолатлар

9.1. Пудратчи-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмиглаш ишлари давомида лойиха-смета хужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлади.Пудратчи тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзгатилган даъво юзасидан кўшимча жавобгар сифатида катнашишга мажбур.

10.2. Пудратчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиха-смета хужжатлари ишларида камчиликлар аниқфланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг таъби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чикиши ва шунга мувофик зарур кўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордor томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиха ишларига маблаглар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод килмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўtkазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида обьектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлик муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлик заар тўлигича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўtkазиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод килмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувоғик бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукукига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

10.7. Муддат ўtkазиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблаг олуви чашни ташкилот хисобланганлиги сабабли, обьектга бюджетдан маблаг ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус хисоб ракамига маблаг ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пениялар ҳам хисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-кисмiga кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чикиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки кисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли кисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф килмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик килмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома щартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳакида алока каналларига мурожаат қилиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплаша пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чикилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг З-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чикиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аникланган холда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш хажмлари ва уларнинг нарх параметрлари кисмида ўтказилган комплекс экспертиза натижалари бўйича Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган архитектура-шаҳарсозлик хужжатларига ижобий хулоса берилмаган тақдирда.

13.3. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вактида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.4. Шартномани бекор қилишга карор килган томон иккинчи томонга ёзма равиша билдиришнома юборади.

13.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди.

14. Алоҳида шартлар.

14.1. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома З (уч) нусхада тузилди. Уч нусха ҳам айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Фарғона вилоят хокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати”

Манзили: Фарғона ш. Темирйўл кўчаси 37-йй

Тел./факс 244-52-24

ШХР 10002186030401496521075018.

Ташкилотнинг: СТИР 204816336 ОҚЭД-

Фарғона вилояти буйича Газначилик бошкармаси

ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошкармаси Хисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО: 00014 Газначилик бўлинмасининг

СТИР: 201 122 919

Рахбар

Х.Долимов

м.у.

Харқиатунос

Пудратчи

«FARPI HITECH ENGINEER» УК

Манзил: Фарғона ш. Фарғона кўчаси 86-йй

Тел: 998-93-553-12-45

Х/Р: 20208000705484438001

Банк: АТБ Қишлоқ қурилиш банк Фарғона филиали

МФО: 00501 ИНН: 309 233 914

ОКОНХ: 70100

Директор

Ш.Умаров

